



## THE ROLE AND IMPORTANCE OF MEDIA DIPLOMACY IN UZBEKISTAN–USA RELATIONS: AN ANALYSIS IN THE CONTEXT OF PUBLIC DIPLOMACY

*Muslima Amonkulovna Amonkulova*

*2nd course basic doctorate of National university of Uzbekistan  
Tashkent, Uzbekistan*

### ABOUT ARTICLE

**Key words:** media diplomacy, public diplomacy, information policy, mass media, Uzbekistan–USA relations, media cooperation, diaspora, journalism, social networks, state image.

**Received:** 08.03.26

**Accepted:** 09.03.26

**Published:** 10.03.26

**Abstract:** This article analyzes the significance of media diplomacy in the information age and its role within the system of public diplomacy. Particular attention is paid to the development of media cooperation between Uzbekistan and the United States. The study examines the activities of mass media, journalists, bloggers, and diaspora representatives as important actors in strengthening people-to-people relations between the two countries. The article also highlights the role of international media platforms, online publications, and social networks in the exchange of information between the two states.

## ЎЗБЕКИСТОН–АҚШ МУНОСАБАТЛАРИДА МЕДИА ДИПЛОМАТИЯСИНИНГ ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ: ХАЛҚ ДИПЛОМАТИЯСИ КОНТЕКСТИДА ТАҲЛИЛ

*Муслима Амонкуловна Амонкулова*

*2 босқич таянч докторанти  
Ўзбекистон Миллий университети  
Тошкент, Ўзбекистон*

### МАҚОЛА ҲАҚИДА

**Калит сўзлар:** медиа дипломатияси, халқ дипломатияси, ахборот сиёсати, оммавий ахборот воситалари, Ўзбекистон–АҚШ муносабатлари, медиа ҳамкорлик, диаспора, журналистика, ижтимоий тармоқлар, давлат имижи.

**Аннотация:** Мақолада XXI аср ахборот маконида медиа дипломатиясининг аҳамияти ва унинг халқ дипломатияси тизимидаги ўрни таҳлил қилинади. Айниқса, Ўзбекистон ва АҚШ ўртасидаги ахборот ҳамкорлиги, оммавий ахборот воситалари, журналистлар, блогерлар ва диаспора вакилларининг

фаолияти мисолида медиа дипломатиясининг амалий жиҳатлари ёритилади. Шунингдек, икки давлат ўртасидаги ахборот алмашинувида халқаро медиа платформалар, интернет нашрлари ва ижтимоий тармоқларнинг роли таҳлил қилинган.

## РОЛЬ И ЗНАЧЕНИЕ МЕДИАДИПЛОМАТИИ В ОТНОШЕНИЯХ УЗБЕКИСТАНА И США: АНАЛИЗ В КОНТЕКСТЕ НАРОДНОЙ ДИПЛОМАТИИ

*Муслима Амонкуловна Амонкулова*

*Докторант 2-го курса базовой докторантуры*

*Национального университета Узбекистана*

*Ташкент, Узбекистан*

### О СТАТЬЕ

**Ключевые слова:** медиа-дипломатия, народная дипломатия, информационная политика, средства массовой информации, отношения Узбекистан–США, медийное сотрудничество, диаспора, журналистика, социальные сети, международный имидж государства.

**Аннотация:** В данной статье анализируется значение медиа-дипломатии в информационную эпоху и её роль в системе народной дипломатии. Особое внимание уделяется развитию медийного сотрудничества между Узбекистаном и Соединёнными Штатами Америки. В исследовании рассматривается деятельность средств массовой информации, журналистов, блогеров и представителей диаспоры как важных акторов укрепления межобщественных связей между двумя странами. Также анализируется роль международных медиа-платформ, интернет-изданий и социальных сетей в процессе информационного обмена.

**Кириш.** XXI аср глобаллашув ва ахборот технологиялари жадал ривожланаётган давр сифатида халқаро муносабатлар тизимида янги мазмун ва шакллар олиб кирди. Бугунги кунда давлатлар ўртасидаги рақобат фақат иқтисодий ёки ҳарбий соҳалар билан чекланиб қолмай, балки ахборот маконида ҳам фаол намоён бўлмоқда. Ахборот ресурслари, медиа платформалар ва рақамли коммуникация воситалари давлатлар ташқи сиёсати ва халқаро имижини шакллантиришда муҳим омилга айланди.

Шу нуқтаи назардан қараганда, медиа дипломатияси замонавий дипломатиянинг муҳим йўналишларидан бири сифатида шаклланди. У оммавий ахборот воситалари, интернет, ижтимоий тармоқлар ва мультимедиа платформалари орқали давлатлар ўртасида

ахборот алмашинувини таъминлаш, жамоатчилик фикрига таъсир кўрсатиш ва халқлар ўртасида ўзаро ишонч муҳитини яратишга хизмат қилади.

Ўзбекистон мустақилликка эришганидан кейин халқаро ҳамкорликни кенгайтириш, жумладан ахборот соҳасидаги алоқаларни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратди. Бу жараёнда Ўзбекистон ва АҚШ ўртасида оммавий ахборот воситалари, журналистлар ва медиа ташкилотлар ўртасидаги ҳамкорлик муҳим аҳамият касб этди. Айниқса, диаспора вакиллари, журналистлар ва блогерларнинг фаолияти икки мамлакат халқлари ўртасида ўзаро тушуниш ва мулоқотни кучайтиришда муҳим восита бўлиб хизмат қилмоқда.

Мазкур мақолада Ўзбекистон ва АҚШ ўртасидаги медиа дипломатияси, унинг халқ дипломатияси тизимидаги ўрни, оммавий ахборот воситалари ва журналистларнинг икки мамлакат ўртасидаги ахборот ҳамкорлигини ривожлантиришдаги роли илмий жиҳатдан таҳлил қилинади.

XXI аср – ахборот асри. Бугунги кунда давлатлар ўртасидаги рақобат фақат иқтисодий ёки ҳарбий эмас, балки ахборот майдонида ҳам кечмоқда.

Телевидение, интернет, ижтимоий тармоқлар, подкастлар ва блоглар орқали мамлакатнинг имижини, кадрларини ва сиёсий позицияларини жаҳон жамоатчилигига етказилади. Шу боис Ўзбекистон ва АҚШ ўртасида халқ дипломатиясини ривожлантиришда медиа дипломатиясининг ҳам ўрни муҳим аҳамиятга эга[1].

Медиа дипломатияси – бу давлатлар, халқаро ташкилотлар, нодавлат тузилмалар ва жамоатлар ўртасидаги муносабатларни ахборот-коммуникация воситалари орқали шакллантириш ва ривожлантириш жараёни бўлиб, у халқ дипломатиясининг махсус соҳаси сифатида мамлакатнинг ташқи сиёсати, миллий манфаатлари, маданий қиёфаси ва кадрларини жаҳон жамоатчилигига етказиш, шу билан бирга бошқа халқлар билан ахборот алмашинувини таъминлашга қаратилган.

Медиа дипломатияси – замонавий халқ дипломатиясининг стратегик йўналиши. У орқали давлатлар ўз тарихини, маданиятини, кадрларини жаҳонга етказди, шу билан бирга бошқа халқлар билан ахборот алмашиб, ишонч ва ҳамкорлик муҳитини яратади.

Бу йўналишнинг ўзига хос жиҳати шундаки, у фақат расмий давлат каналлари билан чекланмайди, балки ижтимоий тармоқлар, блоггерлар, инфлюенсерлар каби нодавлат ва шахсий ташаббуслар орқали ҳам амалга ошади. Шу боис, у замонавий глобал дипломатиянинг асосий қуролига айланмоқда.

Медиа дипломатияси – бу замонавий ахборот асрида халқ дипломатиясининг ахборот-коммуникация каналига йўналтирилган шакли бўлиб, у халқлар ўртасида ўзаро ишонч ва

хамкорлик муҳитини яратиш, миллий манфаатларни илгари суриш ва давлат имижини глобал майдонда мустаҳкамлашда стратегик аҳамиятга эга.

Медиа дипломатияси халқ дипломатиясининг махсус соҳаси бўлиб, у орқали халқлар ўртасида маълумот ва ахборот алмашинуви амалга оширилади. Бугунги глобал даврда ОАВнинг барча турлари, ижтимоий тармоқлар, қолаверса шу соҳада хизмат қиладиган журналист, блоггерлар фаолияти халқлар ўртасидаги муносабатларда катта рол ўйнайди.

Мустақаликнинг дастлабки йиллариданоқ икки мамлакат ОАВ ўртасида хамкорлик бошланган эди. 1993 йил 15 августда “The New York Times” газетасининг собиқ бош муҳаррири Ж.Грифилд бошчилигида АҚШ мустақил журналистлар фонди делегацияси Тошкентга келди. Америкалик меҳмонлар Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси билан хамкорликда қатор тренинглар, семинарлар ва “давра суҳбатлар” ишбилармонлик учрашувлари ўтказди[2]. Бу каби ижодий учрашувлар кейинги йилларда ҳам яна давом этди. 1998 йилда АҚШда “Хуррият” рўзномаси муҳаррири Х.Дўстмуҳаммедов, “Жаҳон” ахборот агентлиги директори муовини Ф. Парриев, Мудофаа вазирлигининг матбуот билан алоқаларининг бўйича бўлим директори Ш.Файзиматов, шоир Ғ.Мирзо, рассом Ж. Умарбеков, “Бухоро яҳудийлари дунёси” рўзномаси нашири Б. Кандов, шоир И.Малаевлар хамкорлик олиб боришди.

Ўзбекистон ва АҚШ халқ дипломатиясига оид янгиликлар, ватандошлар томонидан ўтказилган тадбирлар “Ўзбекистон 24”, “Ўзрепорт” телеканаллари, шунингдек АҚШнинг “Америка овози” телеканаллари, “Bukharian times”, “Макончи” газеталари, “Сарбон” радиоси, маҳаллий блоггерлар ва ўзбекистонликларнинг ижтимоий тармоқлардаги саҳифаларида ҳамда Миллатлараро муносабатлар қўмитаси, “Ватандошлар” жамоат фонднинг веб-сайти орқали кенг ёритилиб борилади[3].

Хорижий давлатлардаги юртдошларимизнинг ҳаёти ва фаолиятини янада тўлиқроқ ёритиш ва уларни Ўзбекистон ҳақидаги тегишли ахборот билан таъминлаш мақсадида оммавий ахборот воситалари соҳасидаги ҳамда ахборот алмашинуви борасидаги хамкорликни кенгайтириш Ўзбекистонда амалга оширилаётган кенг қўламли ижтимоий-иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий ислохотларни қўллаб-қувватлаш, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг халқаро обрў-эътиборини янада мустаҳкамлашга ватандошлар салоҳиятини жалб қилиш муҳим аҳамиятга эга.

Бугунги кунда АҚШда фаолият олиб бораётган бир нечта ОАВлар, жумладан “The New York Times”, “The Bukharian Times”, “Ватандош” газеталари, “The Uzbek Times”, “Ўзбегим” журналлари, “Америка овози” (<https://www.amerikaovozi.com>), “Дунё ўзбеклари”

мустақил интернет-газетаси (<https://dunyouzbeklari.com>) каби интернет нашрлари шунингдек, АҚШда фаолият олиб борадиган ўзбекистонлик таниқли журналистлар Ф. Султон, О.Маҳкамов, Н. Имомова, Р.Некталов, М.Шукурзодаларни икки халқ ва мамлакат ўртасида медиа дипломатиясини ривожлантиришда ҳиссаси катта.

Ижтимоий тармоқларда фаол бўлган америкалик И. Сиртатус, М.Ризларнинг ҳам муносиб ўрни бор.

“Америка овози” – бу Вашингтонда жойлашган халқаро телерадио ва мультимедиа ахборот манбаи бўлиб, дунёнинг турли тилларида дастурлар узатади[4]. Инглиз тилида “Voice of America” (VOA) номи билан танилган ташкилот 1942 йилда ташкил этилган ва АҚШ ҳукумати томонидан молиялаштириладиган халқаро эфир тизими ҳисобланади[5]. VOA турли тилларда (48 та) жумладан ўзбек тилида радио, телевидение, веб, мультимедиа форматларда фаолият юритади[6]. Ўзбек тилидаги кўрсатув ва эшиттиришларда нафақат халқаро ҳаёт балки жамиятдаги муҳим ўзгаришлар ва масалалар ёритилади. Ўзбек хизмати (1972 йилда ташкил этилган) АҚШ пойтахтида олти кишилик таҳририятга ва Марказий Осиё бўйлаб жамоатчи мухбирларга эга.

“Америка овози” ўзбек тилида веб, аудио ва видео шаклларда ишончли ва объектив янгиликлар ва ахборот етказувчи манба бўлиб хизмат қилади[7].

Ўзбек тилидаги телевидение дастури “Америка Манзаралари”[8] бўлиб, Америка сиёсати, ижтимоий-иқтисодий жараёнлар ва Марказий Осиё билан алоқа мавзуларини ёритади. “Халқаро ҳаёт” номли кундалик қисқа видео/радио хабарлар серияси турли глобал воқеалар бўйича қисқа таҳлиллар беради.

Навбахор Имомова – “Америка Овози” телерадиосининг етакчи мультимедиа журналисти. У АҚШ ОАВ тарихида илк бор Ўзбекистонда аккредитациядан ўтган журналист бўлди. Шу давргача муайян тадбирларни ёритиш учун маълум бир белгиланган муддатли рұхсатномалар берилган, бироқ мамлакатда эмин-эркин фаолият юритиш учун ҳали америкалик бирор бир журналист бундай мақомга бугунги кунгача эга бўлмаган эди[9].

Н.Имомова Тошкент вилояти Бўстонлиқ тумани Кўшқўрғон қишлоғида зиёли оиласида улғайган. “Америка Овози”да 2002 йилдан бери ТВ, радиода онлайн диктор, продюсер, мухбир ва муҳаррир сифатида фаолият олиб боради. “Америка манзаралари” туркумидаги теледастурлар муаллифи. Журналистик фаолиятини 1996 йилда Ўзбекистон радиосининг “Халқаро ҳаёт” таҳририятида бошлаган. Оммавий ахборот воситалари бўйича бакалаврликни Ҳиндистоннинг Майсур Университетидан (University of Mysore),

магистрликни эса АҚШнинг Бол Давлат Университетидан (Ball State University) олган. Шунингдек, Гарвард Университетидан (Harvard University) давлат бошқаруви ва лидерлик бўйича магистрлик дипломига эга. Журналистик ва илмий материаллари қатор халқаро манбаларда чоп этилган. Американинг нуфузли университетлари ва таҳлил марказларида сўзлаб, маърузалар ўқиб келади. “Америка Овози” олтин медали соҳиби. Ташкилотда гендер ва журналистика бўйича кенгаш раиси[10]. Н.Имомова Вашингтонда Марказий Осиё бўйича етакчи мутахассис. 16 йилдан бери Американинг минтақага нисбатан сиёсати, Марказий Осиё давлатлари ва АҚШ орасидаги муносабатларни ва улар ортидаги омилларни яқиндан ёритиб, таҳлил қилиб келади. Шунингдек, Америкада яшовчи ўзбеклар ва бошқа марказий осиеликлар ҳаёти ҳақида чуқур билимга эга. Диаспора мавзусида Фарб сиёсий ва илмий доираларида маърузалар ўқийди ва бу борада қатор мақола ва материаллар муаллифи. Навбахор Имомова нуфузли олийгоҳларда Ўзбекистон ва Марказий Осиё билан боғлиқ бошқа мавзуларда сўзлаб танилган. Гарвард Университетида Марказий Осиё клубини бошқарган. Шунингдек, Н.Имомова Конгресс аъзолари, Оқ уй, Давлат департаменти, Пентагон ва бошқа вазирликларда юқори лавозимли расмийлар билан мулоқотлар қилиб туради. Вашингтон ва бошқа жойлардаги таҳлил ва тадқиқот марказлари фаолияти билан яқиндан таниш.

**Хулоса.** Тадқиқот натижалари шуни кўрсатадики, медиа дипломатияси XXI асрда халқ дипломатиясининг энг муҳим ва таъсирчан йўналишларидан бирига айланди. Оммавий ахборот воситалари, интернет платформалари ва ижтимоий тармоқлар орқали давлатлар ўз маданияти, тарихи ва миллий қадриятларини жаҳон жамоатчилигига етказиш имкониятига эга бўлмоқда.

Ўзбекистон ва АҚШ ўртасидаги медиа ҳамкорлик икки мамлакат ўртасидаги маданий, ижтимоий ва сиёсий мулоқотни ривожлантиришда муҳим ўрин тутди. Журналистлар, блогерлар ва диаспора вакилларининг фаолияти икки давлат халқлари ўртасида ахборот алмашинувини кучайтириб, ўзаро ишонч муҳитини шакллантиришга хизмат қилмоқда.

Шунингдек, “Америка овози” каби халқаро медиа ташкилотлари ҳамда АҚШда фаолият юритаётган ўзбекистонлик журналистлар ва медиа мутахассисларнинг фаолияти икки мамлакат ўртасидаги ахборот мулоқотини ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эга. Улар орқали Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислоҳотлар, ижтимоий-сиёсий жараёнлар ва маданий ҳаёт халқаро аудиторияга етказилмоқда.

Ўзбекистон ва АҚШ ўртасида оммавий ахборот воситалари соҳасида қўшма медиа лойиҳалар ва таҳририятлар ўртасидаги ҳамкорликни кенгайтириш мақсадга мувофиқ.

Журналистлар ва блогерлар учун қўшма стажировкалар, семинарлар ва малака ошириш дастурларини ташкил этиш медиа дипломатиясини янада ривожлантиришга хизмат қилади.

АҚШда яшовчи ўзбекистонлик диаспора вакиллари ва медиа мутахассисларининг ахборот майдонидаги салоҳиятидан самарали фойдаланиш зарур.

Ижтимоий тармоқлар ва рақамли платформалар орқали Ўзбекистоннинг маданий мероси, туризм салоҳияти ва ижтимоий-иқтисодий ислохотлари ҳақидаги контентни кўпайтириш муҳим аҳамиятга эга.

Халқаро медиа платформалар билан ҳамкорликни кучайтириш орқали Ўзбекистоннинг глобал ахборот маконидаги ижобий имижини янада мустаҳкамлаш мумкин.

#### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Амонкулова М. Ташқи сиёсатда медиа дипломатия: назарий концепциялар ва Ўзбекистон тажрибаси // Oriental Journal of Social Sciences ISSN: 2181-2829 –Б. 51-62
2. Каганович А., «Друзья поневоле. Россия и бухарские евреи, 1800-1917» Москва: Литагент. 2016 «На пути к новым рубежам». Нью- Йорк КБЕ США И Канады
3. Милллатлараро муносабатлар қўмитаси жормҳи йархив материалларидан
4. “Amerika Ovozi” O'zbek xizmatining rasmiy sahifasi. // <https://www.youtube.com/c/amerikaovozi/about>
5. VOA Broadcasting in Uzbek // <https://www.insidevoa.com/p/6462.html>
6. “Америка овози” ҳақида <https://www.amerikaovozi.com/author/amerika-ovozi/qk-ot>
7. VOA Broadcasting in Uzbek // <https://www.insidevoa.com/p/6462.html>
8. Америка овозининг ўзбек хизмати “Америка Манзаралари”дастури орқали Ўзбекистон халқининг Сиетлдаги дўстлари билан танишининг/Friends of Uzbekistan in Seattle, Сиетлдаги ўзбек оиласи ҳикояси/uzbek family in Seattle, Вашингтон университети ва Марказий Осиё / University of Washington in Seattle & Central Asia, Чикаго – юзлаб ўзбекларга янги ватан, Индиана университетига ўзбек тилини ўрганаётган ёшлар/IU Central Asia programs, students каби юзлаб мавзуларда Ўзбекистон ва АҚШ ижтимоий-сиёсий, маданий ҳаёти ҳақида маълумотлар бериб боради.
9. Навбаҳор Имомова: «Ўзбекистондаги журналистлар ўзлари хоҳлагандек материал тайёрлай олмас эди» // <https://www.xabar.uz/tahlil/navbahor-imomova-ozbekistondagi>
10. Sietl-Toshkent birodarlikning 40 yilligini nishonladi. <https://www.amerikaovozi.com/a/seattle-tashkent-sister-city/1691138.html>.